

МАХСУС ТАКЛИФ:

«АСЛ «SER GO'SHT» БУРГЕРИ УЧУН СЕРТИФИКАТ

2022 йил 20 октябрь.

1. «АСЛ «SER GO'SHT» бургери учун сертификат» Махсус таклифи "CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION" МЧЖ – «А-Рау» Электрон пул Тизими Оператори томонидан АкцияҲамкори – «SER GO'SHT» ОК SETAME МММ кафеси кўмагида ташкил этилади.
2. Махсус таклиф ўтказиладиган ҳудуд: Бухоро шаҳри.
3. Амал қилиш муддати: 2022 йил «31 октябрдан» 2022 йил «2 ноябргача». Сертификатлар сони чекланган.
4. Махсус таклифдан фақат «А-Рау» Электрон пул Тизимида идентификациядан ўтган мижозлар фойдаланиши мумкин.
5. Мижозларни Махсус таклиф ҳақида хабардор қилиш, тегишли маълумотларни Ташкилотчининг <https://www.a-pay.uz> веб-сайтида ва (ёки) «А-Рау» мобил иловасида жойлаштириш орқали амалга оширилади.
6. Махсус таклиф шартлари: идентификациядан ўтган мижоз А-Рау Пештахтасида 10 000 APS эвазига «Асл «SER GO'SHT» бургерига Сертификат олиши мумкин. «SER GO'SHT» бургерининг сертификатини фаоллаштириш учун махсус таклиф давомида «SER GO'SHT» кафеларидан бирида лимонли қора чой харид қилиш керак. «Асл «SER GO'SHT» бургерига сертификат фақат Махсус таклиф муддати давомида Бухоро шаҳрида жойлашган «SER GO'SHT» савдо тармоғининг қуйидаги манзилларда жойлашган савдо нуқталарида фаоллаштирилиши мумкин:
 - Бухоро шаҳри, 5-кичик ноҳия, А. Сомий 9\1 (мўлжал: Автоўл коллежи рўпараси);
 - Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд кўчаси, 180-уй (мўлжал: Кўк Сарой).

Битта Мижоз Махсус таклифнинг амал қилиш муддати давомида «А-Рау» Пештахтасидан 3 тадан кўп бўлмаган «Асл «SER GO'SHT» бургерига сертификат олиши мумкин. Махсус таклиф муддати тугагандан сўнг «SER GO'SHT» бургери учун фаоллаштирилмаган сертификатлар ўз кучини йўқотади.

7. Ташкилотчига Мижозни Махсус таклиф иштирокчилари рўйхатидан четлаштирилишига олиб келиши мумкин бўлган фактлар ҳақида маълум бўлган тақдирда ("APS Бонус" Бонус дастури Шартларига риоя қилмаслик ҳолатлари, «А-Рау» Электрон пул Тизимида акциялар ўтказиш қоидаларини бузиш, фирибгарлик, фирромчилик, ўзи ҳақида била туриб ёлғон маълумотларни тақдим этиш ва ҳ.к.), бундай шахслар Махсус таклифдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.
8. Ташкилотчи ўз хоҳишига кўра, бир томонлама тартибда, исталган вақтда олдиндан огоҳлантирмасдан ва сабабларини тушунтирмасдан, Махсус таклифни муддатидан олдин бекор қилиш ёки вақтинча тўхтатиб туриш, шунингдек, ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш



хуқуқини ўзида сақлаб қолади. Махсус таклифни муддатидан олдин бекор қилиш, тўхтатиб туриш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш даъво учун асос бўла олмайди.

9. Махсус таклиф муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда Ташкилотчи тегишли маълумотларни ўзининг <https://www.a-pay.uz> манзилидаги расмий веб-сайти ва (ёки) мобил иловасида жойлаштириш орқали оммани хабардор қилиш мажбуриятини олади.
10. Ташкилотчи «Асл «SER GO'SHT» бургери учун сертификат» Махсус таклифини нотўғри талқин қилиш натижасида келиб чиққан ҳар қандай англашилмовчилик, тушунмовчилик, даъво ёки зарар учун жавобгар бўлмайди.
11. Агар Махсус таклифга доир бирон-бир савол, тушунмовчилик ёки низоли ҳолатлар юзага келса, Мижоз Ташкилотчи билан боғланиш орқали уларга аниқлик киритиш ва ҳал қилиш учун барча чораларни кўриши шарт.
12. Ташкилотчининг мажбуриятларини бажаришига бевосита таъсир кўрсатадиган форс-мажор ҳолатлар, шу жумладан сув тошқини, ёнғинлар, иш ташлашлар, зилзилалар, оммавий эпидемиялар, давлат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг буйруқлари ва Ташкилотчига боғлиқ бўлмаган бошқа объектив сабаблар ёки бошқа табиий омиллар юзага келган тақдирда Ташкилотчи Мижозлар олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этилади.
13. «Асл «SER GO'SHT» бургери Сертификати» учун Махсус таклифда назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш факти Мижознинг ўз шахсий маълумотларини қайта ишланиши ва Ташкилотчидан электрон почта (шахсий кабинет, телефон, шунингдек ижтимоий тармоқлар ва бошқалар) орқали реклама ва бошқа хабарларни қабул қилишга розилигини билдиради. Ҳар бир Мижоз ўзи билан туширилга фотосурати, видео ролиқ, Ташкилотчи ва унинг ўртасида бўлган интервьюни Ташкилотчининг веб-сайтида ва (ёки) мобил иловасида, реклама материалларида, ижтимоий тармоқ саҳифаларида ва ҳоказоларда жойлаштириш ва эълон қилишга розилигини беради. Ташкилотчи юқорида қайд этилган материаллардан чекланмаган муддат давомида фойдаланиши мумкин ва Мижоз бунинг учун ҳеч қандай ҳақ талаб қилмайди.

